

# ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2000 йил, 28 сентябрь, пайшанба № 117 (1381).  
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.  
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 28 сентября 2000 г. № 117 (1381).  
Газета издается с 24 июня 1992 г.  
● В розницу — цена свободная.

## Синалган дўст—қариндошдан афзал

Ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги азалий биродарлик, асрий дўстлик неча-неча синновлардан ўтган. Бугунги кунда ҳам мустақил тараққиёт йўлини танлаган икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар мутасил ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 26 сентябрь кунин расмий таширф билан Қирғизистон пойтахти Бишкекка жўнаб кетган олдиндан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида ҳам бу ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлигига мисол қилиб ўтган йилги Қирғизистоннинг Боткен туманида юз берган воқеаларни яна бир бор эсга олди.

— Ҳақиқий дўст бошга ташвиш тушганда билинади,

деган нақл бор. — деди Ислам Каримов. — Биз террорчи гуруҳлар Боткенга хуруж қилганида қирғиз халқи билан елкама-елка турдик. Қирғизистонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдик. Бизнинг жинсий тўдаларга қарши курашда фикрларимиз бир жойдан чиқаётгани бу борадаги сатй-ҳаракатларимизнинг изчиллигини таъминлаб, азалий дўстлигимизни мустаҳкамлашга, ўзаро янада яқинлаштишимизга асос бўлмоқда.

Ислам Каримовнинг Қирғизистонга расмий таширфига томонлар алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Зеро, ушбу сафар давомида Ўзбекистон билан Қирғизистоннинг ўзаро муносабатлари ривожини учун муҳим бўлган қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилаётди. Жумладан, таширф доирасида икки

давлат ўртасидаги алоқаларини кучайтириш тўғрисида Баёнот қабул қилинади ҳамда ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳақида битим имзоланади. Шунингдек, Бишкекда бонхона, консуллик алоқалари ва қонун ҳужжатларини бир-бирига мутаносиллаштириш борасидаги келишувларга ҳам имзо чекилади.

Маълумки, иккинчи йил октябрь ойининг охирида Қирғизистонда президент сайлови бўлиб ўтди. Айни пайтда мамлакат Марказий сайлов комиссияси олти нафар номзодни расман рўйхатга олган. Давоғарлар орасида Қирғизистоннинг айни пайтдаги раҳбари Асқар Акаев ҳам бор. Ўзбекистон жамоатчилиги қўшни давлатда юз берётган бу жараённи катта қизиқиш билан кузатиб борапти.

(Давоми 2 бетда).

## Оқсаройда қабул

27 сентябрь кунин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШ Қуруллой кучлари марказий қўмондонлиги Бош қўмондони Томми Франкени қабул қилди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик тобора ривож топмоқда. Жумладан, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида мамлакатларимиз қуруллой кучлари иштирокида бир неча бор қўшма машқлар ўтказилди.

Ислам Каримов меҳмонини Ўзбекистонга таширф билан қўтлар экан, икки давлат ўртасидаги ҳарбий ҳамкорлик алоқаларининг муҳим томонларини муҳокама қилиш имконияти вужудга келганидан мамнуллигини билдирди.

Учрашувда мамлакатларимиз қуруллой кучлари ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқбол, шунингдек, минтақадаги вазиятга оид масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

## ● В МИНИСТЕРСТВЕ ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН СОСТОЯЛАСЬ ВСТРЕЧА

27 сентября в Республику Узбекистан с рабочим визитом прибыла делегация Министерства обороны США во главе с Главнокомандующим Центральное командования вооруженных сил США генералом Томми Франком.

В тот же день в Министерстве обороны состоялась встреча Министра обороны Республики Узбекистан ге-

нерал-лейтенанта Юрия Агзамова с генералом Томми Франком. В ходе встречи стороны обменялись мнениями об обстановке в регионе и обсудили вопросы дальнейшего развития двустороннего военного сотрудничества.

Пресс-центр  
Министерства обороны  
Республики Узбекистан,

## Бишкекдаги учрашувлар

26 сентябрь, Бишкек. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Бишкекдаги «Манас» аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни Қирғизистон Президенти Асқар Акаев кутиб олди. Шу эрининг ўзида давлатимиз раҳбарининг расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Аэропортида Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Асқар Акаев ўзининг таклифини қабул қилиб, Бишкекка таширф буюргани учун Ислам Каримовга миннатдорлик билдирди. У Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларининг фақат қардошлик ва биродарлик туйғуларига эмас, балки тарихий, маданий, иштираклик, илдизларнинг бирлиги ҳамда мустақкам қўшнчилиги алоқалари боғлаб туршини айтиди. Асқар Акаев Ўзбекистон Президентининг Қирғизистонга таширфи ҳаминша икки томонлама муносабатлар ривожига туртки бўлиб келганини, татбиқлади ва бу галги сафар ҳам

ўзаро алоқаларини янада юқори босқичга кўтаришига ишонч билдирди.

Ислам Каримов Бишкек сафари чоғида савдо-иқтисодий, маданий алоқалар билан бир қаторда минтақавий хавфсизлик масаласи ҳам кенг муҳокама этилиши кўзда тутилаётганини маълум қилди.

— Бугунги мураккаб воқелик. — деди Президентимиз, — хавфсизлик муаммоларига янада фаолроқ, янада жипсроқ ёндашишга, воқеалар қай тарзда ривожланишини олдиндан таҳлил қилиб, унинг оқибатини кўра билиш ва биргаликда зарур чора-тадбирлар кўришга ундамоқда.

Ўзбекистон раҳбари икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини тўла ишга солиш заруратини ҳам таъкидлади. Жумладан, сув ва энергетика захираларидан фойдаланиш, коммуналхўжалик тармоқларининг ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, савдо-сотиқ ҳажминини ошириш учун имкониятлар кўп эканини қайд этди.

Асқар Акаев сув ва энергетика соҳасидаги ҳамкорликка тўхталиб, Қирғизистон Ўзбекистон билан биргаликда «Ўамбарота» гидроэлектр станциясини қуришга тайёрлигини маълум қилди.

Журналистларнинг Афғонистондаги вазият билан боғлиқ саволларига ҳам апрофлига жавоб қайтарилди. Ислам Каримов бу хусусда Тошкентда айтган гапларини такрорлади. Асқар Акаев Президентимизнинг фикрларини қўллаб-қувватлади.

Журналистлар билан учрашувдан кейин Президентларнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари, Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг таширфига солаётган минтақавий муаммолар юзасидан фикр алманилди.

Кенқурун «Ола арча» қароргоҳида Қирғизистон Президенти номидан Ислам Каримов шарафига расмий қабул маросими уюштирилди.

Икки томонлама музокаралар эртага давом этади.

(ЎзА).

## Биз бир қўшнинг икки қанотимиз

26—27 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов расмий таширф билан Қирғизистон Республикасида бўлди.

Бишкек сафарининг айни шу кунларда амалга оширилди катта рамзий маъно бор. Ўтган йилги Боткен воқеалари, бу йил Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг жанубий ҳудудларига террорчилар бостириб киргани ўзаро муносабатларда жиддий бурилиш ясади.

Бу бурилиш расмий тарзда ўзининг ҳуқуқий асосига ҳам эга бўлиши, қолаверса, кейинги ўзгаришлардан чиқарилган ҳулосалар умумлаштирилиб, йиғилиб қолган масалаларни баҳамжиҳат хал қилиб олиш зарур эди. Бишкекдаги музокараларда томонларнинг диққат марка-

зида турган энг асосий масалани учрашув якунида қабул қилинган ҳужжатдан билиш мумкин. Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Аҳамияти жиҳатидан Абадий дўстлик ҳақидаги ҳужжат билан ёна ён турадиган бу шартноманинг тузиллиши сабаблари ва тарихий сир эмас. Ўз даврида, Боткен воқеаси мамлакатларимиз ҳарбийларининг елкама-елка ишлашга тайёр эмаслигини кўрсатди. Бундан яхши сабоқ олинди. На-тижада террорчиларнинг бу йилги хуруж ортиқча қийинчиликларсиз бостирилди, зарур тайёргарлик кўрилди, икки мамлакат ҳарбийлари ўзаро мувофиқлаштирилган тарзда иш тутди. Шундай

қилиб, террорчиларнинг икки бор қилган хуружин Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида ҳарбий соҳада яқин ҳамкорликни юзага келтирди. Энди ушбу янада такомиллаштириш ва ҳуқуқий асосга қўйиш зарурати тугилган эди.

Ҳарбий ва ҳарбий техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани Марказий Осиёнинг тўрт давлати — Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентларининг шу йил Тошкентда бўлган учрашув якунида қабул қилинган ҳужжатнинг маънавий давоми, деб ҳам айтиш мумкин. Ушунда террорчилик, экстремизм ва минтақа барқарорлигига таҳдид солаётган бошқа хавф-хатарга

(Давоми 2-бетда).

## ● ВЕСТИ ИЗ СИДНЕЯ АРМЕЕЦ ПРЕТЕНДУЕТ НА «ЗОЛОТО»

После ряда неудач fortuna наконец улыбнулась и нашим олимпийцам. На медали — и, как знать, может быть, даже на золотые — могут рассчитывать узбекские боксеры. И двойное приятно порадовать хорошей новостью наших читателей: первый кандидат — представитель армейского спор-

та. В полуфинал среди тяжеловесов вышел молодой армеец — двадцатидвухлетний рядовой по контракту Рустам Саидов, победивший в четвертьфинальном поединке канадского боксера Арта Бишковица за явным преимуществом (технический нокаут).

В редакцию вновь поступило радостное сообщение из Сиднея: еще два узбекских боксера в полуфинале — а это говорит о том, что три медали уже в копилке нашей команды. Порадовали своих соотечественников Сергей Михайлов (81

Соб. инф.

## ● РАВНЕНИЕ НА ПЕРЕДОВИКОВ ПОДТВЕРЖДАЮТ ДЕЛОМ

Взяв обязательство завершить учебный год, а вместе с ним и службу в армии, с высокими показателями, командир орудийного расчета старшина М. Рашидов уверенно идет к намеченной цели.

Месяц тому назад возглавляемый им коллектив на высоком профессиональном уровне действовал в ходе полевого выхода, где отработывались вопросы управления огнем артиллерии, а также решались практические задачи по уничтожению «противника». Паводок: младший сержант Ш. Аллабергенев, номера расчетов рядовые Ф.

Рахимбердыев, Ж. Хасанов и Г. Омонов первыми выстрелами поразили все мишени, за что были удостоены похвалы командира дивизиона.

А несколько дней тому назад старшина Рашидов и его подчиненные вновь отличились. В подразделении в целях подготовки к итоговой проверке проводилось контрольно-проверочное занятие по специальной подготовке. Расчет лучше других справился с поставленной задачей и еще раз доказал, что не зря претендует на звание отличного.

Рядовой Б. АТАКЕЕВ.

# Синалган дўст — қариндошдан афзал

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ислом Каримов Қирғизистондаги мазкур муҳим тадбир хусусида тўхталар экан, жумладан, бундай деди:

— Ушбу сиёсий жараён, албатта, қўшни республиканинг ички иши. Шу сабабли четдан туриб бу тадбирга қандайдир таъсир ўтказишга уриниш ноқонуздир. Сайловда кимнинг ғолиб бўлиши, аввало, Қирғизистон халқининг, яъни сайловчиларнинг хоши-иродасига боғлиқ.

Лекин мен бир гапни айтмоқчиман. Биз Қирғизистоннинг бугунги раҳбарияти билан шунча йиллардан бунча самарали ишлаб келамиз. Домо бир-биримизга кумак бердик, зарур вақтларда елкадош бўлдик, турли синовлардан биргаликда ўтдик. Шунинг учун, агар

мен Қирғизистон фуқароси бўлганимда, босиб ўтилган шарафли йўлни, бугунги иқтисодий-сиёсий вазиятни ҳисобга олиб, албатта, Аскар Акаев учун овоз берган бўлар эдим. Бу мустақил давлатнинг ички ишига аралашмиш эмас, балки биродар халқ вакилининг ўз қариндошларига айтган дил сўзларидир.

Ислом Каримовнинг журналистлар билан учрашувларида доимо Афғонистон масаласи кўтарилди. Чунки бу давлатдаги урушни бартараф этиш, қўшни юрда тинчлик ўрнатишда Ўзбекистон кўп саъй-ҳаракат қилмоқда. Журналистларнинг давлатимиз раҳбарига Афғонистон масаласида бот-бот мурожаат қилиши мамлакатимиз ҳукумати ва муаммони ечиш йўлида олиб бораётган сиёсатга бўлган катта қизиқишининг

натijasидир.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарлардан ҳам маълумки, бугунги кунда Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар жуда фаоллашиб қолди. «Толибон» ҳаракати кучлари «Шимоллий иттифоқ» вакилларининг асосий таянч пункти бўлмиш Панжшер дарасини ишғол қилишга бор кучини ташлаган ва айни пайтда бу ерда шиддатли жанглар давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Афғонистондаги ҳозирги вазиятга тўхталар экан, Ўзбекистон бу мамлакатда тинчлик ўрнатилишига қаратилган барча саъй-ҳаракатларини доимо қўллаб-қувватлаб келганини яна бир бор таъкидлади. Афғонистонда барқарорлик бўлмас экан, Марказий Осиёдаги халқлар ҳам хотиржам яшай олмайди, деди Ислом Каримов.

Президентнинг айтишича, Афғонистоннинг катта геосиёсий ўйин майдонига айланиб қолгани бу юрда минглаб қурбонларга, қанча-қанча болалар сағир бўлишига олиб келди.

«Толибон» ҳаракатининг сўнгги кунлардаги муваффақиятли юришлари, Афғонистоннинг минтақамиз билан чегарадош ҳудудларда ўз назоратини ўрнатаётгани кимлардадир хавотир ҳам уйғотиши табиий, — деди Президент. — Ўзбекистон шу вақтгача Афғонистон билан бирор марта ҳам можарога бормаган, унинг ички жанжалларига аралашмаган. У ерда ҳокимият талашаётган ҳеч қайси гуруҳга кўмак бермаган. Биз «Толибон» ҳаракатини ҳам, унинг мақсадлари ва сиёсати қандай бўлишидан қатъи назар, Афғонистондаги биринчи сиёсий куч сифа-

тида қабул қилганмиз. Ўзбекистон қўшни давлатда тинчлик ўрнатиш борасида толибларнинг ҳам фикрини эшитишга доим тайёр бўлган. Жумладан, ўтган йили «Олти плюс икки» гуруҳининг Тошкентдаги учрашувида «Толибон» вакиллари ҳам иштирок этгани бунинг исботидир.

Ўзбекистон Афғонистондаги барча кучларнинг тинчлик йўлида ўзаро келишувга эришиши тарафдори. Афғонистондаги ҳозирги вазиятга тўхталадиган бўлсак, айтиш керакки, албатта, биз доимо оғоҳ ва ҳушёр бўлиб турмоғимиз даркор. Бирок хавотирга тушишга ҳам асос йўқ. Бизнинг ҳар қандай хавфни бартараф қилишга қудрати етарли қуролли кучларимиз бор.

А. КАРИМОВ,  
ЎзА мухбири.

# БИЗ БИР ҚУШНИНГ ИККИ ҚАНОТИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қарши биргаликда чоратадбирлар кўришга келишиб олинган эди.

Умуман олганда, ҳозир Марказий Осиёда ҳукм сураётган вазиятдан келиб чиқиб, минтақанинг барча мамлакатлари икки томонлама асосда ўзаро шундай ҳужжат қабул қилиши мақсадга мувофиқдир. Бу сиёсий фойдадан ташқари кўпгина поўрчи гап-сўзлар, турли англашилмовчиликлар келиб чиқишининг ҳам олдини олади. Минтақанинг бир мамлакатига таҳдид бутун минтақага таҳдиддир. Бошга ташвиш тушганда, биргаликда унинг чорасини кўриш ўринга, бир-бирини айблаш, турли уйдирмалар билан шугулланиш айни ўша, бизга ёмон кўз билан қараётганларга қўл келади. Масалан, Афғонистонда «Толибон» ҳаракати муваффақиятга эришаётгани ҳориждаги айрим оммавий ахборот воситалари учун пашшадан фил ясаб, шов-шув қилиш учун озуқа бўлди. Бу минтақа мамлакатлари халқларини саросимага солиш, ҳориждаги одамларда эса бу ерда кечаётган воқеалар ҳақида нотўғри тасаввур ҳосил қилишга уринишдан ўзга нарса эмас. Тахликлан хабарлар маҳаллий аҳоли ўртасида ваҳима уйғотса, буни бостириш осон. Лекин минтақамизга сармоя киритишни ўйлаб юрган ҳориждаги ишбилармонларнинг тасаввурини ўзгарса, улар ўз ниятидан воз кечиши табиий. Ислом Каримов уйдирмалардан асосий мақсад ана шу сармоядорларни Марказий Осиёдан юз ўгиришга мажбур этишдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлади.

Айрим оммавий ахборот воситаларида, «Толибон» ҳаракатининг жанговар ютуқлари ҳақида гап кетганда, толиблар Афғонистонни бутунлай ишғол қилиб, у ерда ўзининг ягона ҳокимиятини ўрнатади, кейин эҳтимол, Марказий Осиё давлатларида шарнат аҳкомларини қарор топтириш учун янги юришларини бошлайди, деган мазмундаги фикрлар учраб қолади. Афсуски, «Толибон» Шимоллий иттифоқ устидан мутлақ ғалаба қозongan тақдирда ҳам Афғонистонда бирданига тинчлик қарор топиб қолмайди. Толибларнинг янги рақиби пайдо бўлиши ё улар ўзлари низога киришини эҳтимоли йўқ эмас. Воқеалар бундай тарзда ривожланмаган тақдирда ҳам Марказий Осиёга хуруж қилишининг

имкони бўлмайди. Чунки мамлакатни тиклаш, давлатни мустақамлаш керак бўлади. Бу эса бирон ўн йилсиз, қолаверса, ташқи ёрдамсиз, айниқса, Марказий Осиё мамлакатларининг кўмагисиз битмайдиغان иш.

Минтақа давлатларининг икки томонлама асосда ҳарбий ҳамкорлик бўйича келишувга эришиши яна шунинг учун ҳам муҳимки, сўнгги йиллардаги кузатишлар турли минтақавий тузилмаларнинг самарали фаолият кўрсатмаётганини намоён этди. Дейлик, МДХ доирасида қабул қилинган коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома шу вақтгача кўзга кўринарли иш бергани йўқ. Ўзбекистон шунинг учун ҳам ундан чиқди. Кейин эса Россия билан икки томонлама асосда ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик борасида шартнома қабул қилинди. Бугун навбат Қирғизистонга келди. Хулоса шуки, аслида кўп томонлама асосда ялпи келишувга эришиш ва ундан самара куттиш учун аввал икки томонлама келишиб олиш керак. Чунки икки мамлакат ўртасидаги ҳужжат ҳар томонлама ўйланган, икки томоннинг ҳам манфаатлари инобатга олинган ҳолда тузилади. Кейин бирор шарт бажарилмаганда, бемалол даъво қилиш мумкин бўлади. Аввалдан бор, шартлар бажарилмай қолмайди, чунки ҳужжат қабул қилинганга қадар барча имкониятлар ўрганиб чиқилди ва имконият даражасидаги вазифаларгина зиммага олинади.

Энди бевосита Афғонистондаги воқеаларга келсак. Мазкур шартноманинг имзоланишига бевосита афгон можароси сабабчи, десак хато бўлмайди. Террор ва нарқобизнес марказига айланиб қолган бу мамлакатда тинчлик ўрнатилмас экан, биричи навбатда Марказий Осиё мамлакатлари хавфсизлик ташвишини чекаверлади. Бу можаро тугамагунча минтақада ҳаловат бўлмайди. Афсуски, террорчилар шу ердан чиқайтгани, дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган наркотик моддаларнинг 70 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келишини била туриб, халқаро ҳамжамият бу бемаъни урушни тўхтатишга етарли эътибор қаратмапти. Президент Ислом Каримов БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар, БМТнинг Хавфсизлик кенгашига доимий аъзо бўлган қудратли давлатлар Афғонистондаги вазият нечоғли кескинлиги-

ни, у олиб келиши мумкин бўлган оқибатлар қанчалик муддишлигини терең англамаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Марказий Осиёга таҳдидли жанубдан секин ўрмалаб келаётган террорчилик ва экстремизмда кўришини ҳамшиша таъкидлаб келади. Бишкек учрашувида давлат раҳбарлари яна бир қарра жаҳон ҳамжамиятини бу таҳдиддан оғоҳ этганда, уни зангга қиёс қилдилар. Темир зангларани кўзга кўринади, аммо унга ортинча эътибор берилмайди. Кўни келиб эса занг бутун темирин кераксиз майда зарраларнинг бир сиқимига айлантиради.

Ана шу занг Афғонистондан келаётгани ва унинг оқибати аён бўлгани ҳолда, муаммо эътибордан четда қолмаётгани ачинарли. Афсуски, бу урушнинг давом этишига фақат Афғонистондаги воқеаларга, унинг ички ишларига четдан аралашилар сабаб бўлаётгани йўқ. Афғонистон катта сиёсий ўйиннинг қурбони бўлибгина қолмай, бангилар ва бангфурушлар мамлакатига айланиб қолган. Таъкидланганидек, дунёда етиштирилаётган «оқ оғу»нинг 70 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Қурол-яроғ ана шу оғу савдоси ортдан келган маблағ эвазига қўлга кирилади. Бинобарин, уруш давом этаверади. Бу ерда бир қарашда сезилмайдиган, ўта усталик билан ишланган ниқобни кўриш мумкин. Наркомафия ҳам, террор ҳам гўё сиёсий мақсадларга эга, бу мақсад гўё диний ақидаларга таянади. Аслида террорчи мафия, террор эса мафияни ниқоб қилляпти. Очирроқ айтсак, уларнинг илдизи бир. Марказий Осиёга хуруж қилган террорчиларнинг асосий мақсадларидан бири етиштирилган тонналаб наркотикни «жаҳон бозори»га олиб чиқиш учун йўللар очиш эди. Мантқан олиб қараганда, минтақамиз Европада элтувчи энг яқин, қулай ва арзон йўл ҳисобланади.

Бишкекдаги учрашувларда таъкидлангани террорчиларнинг хуруж бостирилганидан хотиржамликка берилиш мумкин эмас. Зеро, юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, уларнинг ортида турган раҳнамолар ҳали ўз ниятидан воз кечгани йўқ. Тонналаб наркотик моддаларни ҳориждаги «эгаларига» етказиб бериш керак. Хуружларнинг сурункали тус олганига са-

баб шу. Эндиги вазифа мудофаа қудратини ошириш, террорчилар кириб келиши мумкин бўлган йўллари ёпиш, мувофиқлаштирилган тарзда иш юритиш, кўнма чораларни янада такомиллаштириш, махсус ҳарбий гуруҳлар ташкил этишдан иборат.

Қирғизистонда президентлар имзо чекиан иккинчи ҳужжат ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган Қўшма баёнот бўлди. Музокараларда таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги муносабатларда масалаларга амалий ёндашиш устуворлик насб этмоқда. Ҳозир қандай масалалар ечимини кутяпти? Аввало, бир-бирини тўлдирувчи соҳалар бўйича алоқаларни тартибга солиш керак. Масалан, Ўзбекистондан Қирғизистонга газ узатиш ё Қирғизистоннинг сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масаласини олайлик. Ўзбекистон электр қуввати ишлаб чиқариш учун газ ёқди. Газ эса қайта тикланмайдиган табиий модда. Иккинчидан, газ — валюта. Қирғизистонда эса электр қуввати ишлаб чиқариш имконияти катта. Лекин электр қувватини бирор оморда сақлаб бўлмайди, ўздан ортганини фақат сотиш керак. Харидор бўлгани сабабли корхоналар тўла қувват билан ишламаяпти. Шунинг ҳисобга олиб, музокараларда газ ва электр қувватининг олди-бердиси тартибини қайта кўриб чиқишга келишиб олинди.

Транспорт — коммуналхисис соҳасида ҳам ечимини кутаётган масалалар бор. Тошкент — Андижон — Уш — Иркиштом — Қашқар йўналиши бўйича автомобиль ва темир йўл транспорт қатновини йўлга қўйиш ва шу орқали Европа билан Осиёни боғлайдиган улкан Париж—Пекин магистрални тугатиш икки мамлакатга ҳам катта фойда келтиради. 2—3 йил бурун Ўзбекистон ҳукуматининг кўмаги билан бу магистралнинг Қирғизистондан Хитойгача бўлган қисмида қурилиш ва тиклаш ишлари бошланган эди. Лекин тоғли ҳудудларга террорчилар бостириб киргани, бу хуружнинг оқибатлари туфайли сўнгги вақтларда ишлар сусайиб қолди. Бишкекдаги музокараларда томонлар икки қитъани боғловчи бу магистралнинг аҳамияти юқори эканлигини таъкидлаб, мўлжалдаги ишларни ниҳоя-

сига етказиш борасида ўзаро келишиб олди. Шунингдек, Қирғизистон Президентини Аскар Акаевнинг «Налол» обод-Уш йўналиши бўйича поезд қатновини ташкил қилиш борасидаги тамлифи маъқуллади.

Икки мамлакат делегацияларининг музокаралари якунида Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида Коопсулик конвенцияси, аслида вазирларнинг ҳамда божхона хизматларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги битимлар ҳам имзоланди. Бу ҳужжатлар ҳам бугунги куннинг талабидан келиб чиққан ҳолда тузилган. Масалан, визали тартиб ўрнатилгандан кейин, албатта, икки мамлакат ўртасида коопсулик конвенцияси имзоланиши, фуқаролар борди-келдисининг ҳуқуқий асоси яратилиши керак. Божхона соҳасига тегишли ҳужжат эса ўзаро савдо-сотиққа ҳалол бераётган турли бож тўловларини, чегарадан маҳсулот олиб ўтиш тартибини енгилаштишга, бошқа муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Президент Ислом Каримовнинг Бишкек сафари гоёт сермазмун, икки мамлакат учун фойдали натижалар билан якунланди, десак муболага бўлмайди. Давлатимиз раҳбари Бишкекга жўнаб кетиш олдиан Тошкент аэропортида интервью бераётиб, ўзбек ва қирғиз халқларининг азалий дўстлиги ҳақида сўзлаган эди. Бишкек сафари бу азалий дўстлик нечоғли мустақам эканлини кўрсатди. Биз бир-биримизга кераклигимизни, ҳар қандай шароитда елкадош бўлишимиз зарурлигини унутмаймиз. Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бир-биримиз учун хавфсизликнинг қўшимча кафолати бўлади. Қўшни, хавф келганда, қўшинини ёлғизлаштиб қўймагани расмий ҳужжатда ўз аксини топди. Бошқа ҳужжатлар ҳам азалий қардошлик ва биродарлик руҳидаги алоқаларни янада мустақамлашга хизмат қилади. Қирғизистон пойтахтининг кўчаларида Ислом Каримовнинг «Ўзбек ва қирғиз халқларининг тарихий ҳамбарчас боғлиқдир», «Ўзбек ва қирғиз халқлари бир қўшнинг икки қаноти» деган ибораларни ёзилган шнорларни кўп учратиш мумкин. Ташриф натижалари бу иборалар бежиз айтилмаганидан дарак беради.

А. БОБОЕВ,  
ЎзА махсус мухбири.  
Тошкент—Бишкек—Тошкент.

# Ёшлар — мамлакат келажаги

Тошкентда «Камолот» республика ёшлар жамғармасининг навбатдан ташқари менгайрилган йигилиши бўлди. Унда 1996—2000 йиллардаги фаолият йуллари муҳофизат қилинди. Йигилишда жамғарма муассис-танилотлари ва ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи тузилмалар раҳбарлари, пойтахтдаги олий ўқув юрталари ректорлари, шунингдек, «Камолот»нинг вилоят ва туман бўлиналари ҳамда улар ҳузурда ташкил этилган жамоатчилик марказлари раислари иштирок этди.

Йигилишни Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси раиси Азамат Эие бошқарди.

«Камолот» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Қаримов Куробоев ўзининг ҳисобот маърузасида Президент Ислам Каримовнинг Фармонида мувофиқ 1996 йилда ташкил этилган жамғарманинг асосий вазифаси — ёшларимизнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни ислохотларни амалга оширишга жалб этишдан иборат эканлигини таъкидлади. Ёш авлодни маънавий ва ижтимоий соғлом этиб тарбиялаш, уларни миллий мустақиллик ҳояси билан руҳлантириш мамлакатимизда амалга ошириладиган давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Шунинг учун ёшлар муаммоларини ҳал этиш кўпгина давлат ва жамоатчилик тузилмалари, хусусан «Камолот» жамғармасининг муҳим ишига айланган. Мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий муҳофазаси, бандлиги, таълим, йигит ва қизларнинг маданий даражасини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларнинг дам олишини ташкил қилиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда жамғарма бўлиналари нафақат вилоят ва туманларда, балки кўпгина ўқув муассасалари,

саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида фаолият юритмоқда. Жамғарма бир қатор дастурларни амалга оширди, хусусан қишлоқ жойларида янги иш ўринлари ташкил қилинмоқда. Қисқа муддатда зарур касбини эгаллаш мумкин бўлган турли курслар, марказлар тузилаётган. Бундан ташқари жамғарма ҳузурда ёшлар ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, ёш дилдорни соғломлаштириш билан шуғулланувчи «Камолот-Қонун», «Камолот-Саломатлик» ва бошқа муаммо марказлари ташкил этилган.

«Камолот» жамғармаси мукофоти учун спортнинг кўпгина турлари бўйича оммавий мусобақалар ўтказиш аниқланаётган айланмоқда. Бундан ташқари «Сиз қонини биласизми?», «Ҳамшира», «Шувқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари, шунингдек, Ўзбекистон тарихи бўйича ўтказилаётган республика танловлари ёшлар ўртасида кенг оммалашиб бормоқда. Уларда ҳар йили 280 мингдан ортиқ йигит-қиз иштирок этмоқда.

Йигилишда жамғарма фаолиятида бир қанча камчиликлар ҳам мавжуд эканлиги қайд этилди. Хусусан, ёшларни миллий мустақиллик ҳояси, ватанпарварлик, ҳалқимиз танлаган ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлига содиқлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишларни нучайтириш зарур. Бунинг учун «Камолот» бўлиналари ва ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлиқни фаоллаштириш, жамғарма дастурларини амалга оширишга кенг жамоатчиликни жалб этиш лозим.

Йигилишда жамғарма бошқарувининг янги тарғиб таъсиқланди.

«Камолот» республика ёшлар жамғармаси бошқаруви раиси этиб Комилжон Юсупов сайланди.

**А. ИВАНОВА,**  
ЎЗА мухбири.

## МУДРЫЕ МЫСЛИ

Надежда — хороший завтрак, но плохой ужин.  
**Ф. БЭЖОН.**  
Берегись того, кто не от-

ветил на твой удар.  
**Б. ШОУ.**  
Никакая осторожность никогда не бывает излишней.  
**ГОРАЦИЙ.**

# НИЗОНКИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ОСОНРОҚ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигининг Куролли Кучлар академиясида «Можароли вазиятларни бошқариш ва низоларнинг олдини олиш» мавзусига бағишланган икки кунлик ўзбек-немис семинар-коллоквиуми ўз иштини бошлади.

Бу Ўзбекистон — Германия ҳукуматлари ўртасида қабул қилинган икки томонлама ҳарбий ҳамкорлик режасига мувофиқ ўтказилаётган иккинчи учрашувдир. Мазкур тадбирга Германия бундсверери, мамлакатимиз ҳарбий тузилмалари ва бошқа манфаатдор институтлар ҳамда идораларнинг етакчи мутахассислари тақлиф этилган.

Семинарда конфликтология фан сифатида кейинги бир неча йилда ривожлана бошлагани қайд этилди. Унинг асосий тамойили тиббиётдагига ўхшаш — касални даволашдан кўра, олдини олиш осонроқ. Демократлаш-

тириш жараёни ижобий ҳодисалар билан бирга мамлакатлар сўбсий ҳаётига айрим муаммоларни ҳам олиб киради: турли қарама-қарши кучлар, оқимлар юзага келади, иқтисодий ва сўбсий муносабатлар кескинлашади. Бунга Сербияда ва жаҳоннинг бошқа минтақаларида юзага келган аҳвол мисол қилиб кўрсатилди.

Германиялик экспертлар таъназул ва низол вазиятларни олдини олиш сўбсий қонунийлаштириши, мавжуд ҳафсизлик тизимларидан самарали фойдаланишни талаб қилади. Бундай тизим Европа Интифоқи давлатларида муваффақиятли қўлланилмоқда. Бундан ташқари куролли кучлар можароли вазиятларни халқаро бошқариш воситаси сифатида хизмат қилиши лозим. Ҳар бир давлат ички низоларнинг олдини олиш учун ижтимоий муаммоларга, хусусан жинс-политикани ўсишининг олди-

ни олиш, табиий офатларни бартараф этишга тайёргарлик, кессалар тўғрисида гамхўрлик қилиш, тиббий хизмат сифати ва бошқа масалаларга кўпроқ эътибор қаратиши лозим.

Семинарда бизнинг мутахассисларимиз Ўзбекистон Республикасининг можароли вазиятларни бартараф этишга доир ташаббуслари, Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сўбсий вазият ва унинг яқин келажакдаги ривожланиш истиқболлари, низол вазиятларни давлат томонидан умумий назорат қилиниши билан соғлиқ айрим муаммолар, чегара қўшилларининг мураккаб вазият юзага келган пайдаги ҳаракатлари тўғрисида маълумот беришди. Шунингдек, семинарда миллий ҳафсизликни таъминлаш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳофизат этилди.

(ЎЗА).

## ЗНАЕТЕ ЛИ ВЫ, ЧТО

В молоке лучше сохраняются витамины, когда его кипятят в посуде, закрытой крышкой. Время от времени крышку следует приподнимать и взбивать образующуюся пенку. Снимать пенку с вскипяченного и охлажденного молока — значит, снижать его питательность.

Любой салат из сырых овощей надо готовить непосредственно перед подачей на стол. Овощи, долго лежавшие нарезанные на свету, теряют свою питательную ценность и вкус. Молоко дольше не кис-

нет даже в жаркий день, если налить его в стеклянный или эмалированный кружки (настурью) и поставить в таз с холодной водой. Концы салфеток, которой закрыт кружки, надо погрузить в воду.

Завядшая зелень укропа, петрушки, сельдерея снова станет свежей, если положить ее в воду, в которую добавлено немного уксуса (чайная ложка на полстакана воды).

Овощи лучше отварить в эмалированной посуде. Посуду с отключившейся эмалью для этой цели использовать нельзя.

## РУШАТСЯ ТРАДИЦИИ

